



Қ А Р О Р

2000 yil "29" m a y

№ 130-Қ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа  
Вазирлигининг 13797 сонли ҳарбий  
қисмига қўшимча ер майдони  
ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 ва 23 моддаларига  
асосан, Тайлоқ тумани ҳокимининг 2000 йил 8 апрелдаги қабул қилган  
209/4-қ рақамли қарорини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг 13797 сонли  
ҳарбий қисмига қўшимча 2,0 гектар, шундан 0,50 гектар суғориб  
ҳайдаладиган, 1,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер  
майдони ажратиш ҳақидаги Тайлоқ тумани ҳокимининг 2000 йил 8  
апрелдаги қабул қилган 209/4-қ рақамли қарори тасдиқлансин.

2. Республика Мудофаа Вазирлигига ажратилаётган 57 балли 0,50  
гектар суғориб ҳайдаладиган ер ўрнини қоплаш учун 220500 (икки юз  
йиғирма минг беш юз) сўм пулни вилоят ер ресурслари бошқармасининг  
махсус ҳисоб рақамига ўтказиш топширилсин; Тайлоқ тумани ҳокимлиги  
ҳисоб рақамига ажратилаётган ер майдонидаги мавжуд бино ва иншоотлар  
учун 10089639 (ўн миллион саксон тўққиз минг олти юз ўттиз тўққиз)  
сўм пулни ўтказиш иловага асосан тасдиқлансин.

3. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг  
ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев